




М. Каюмовнинг хотиралари ва айрим манбалар асосида Сокибкирон АмирТемур кабрини очиш билан боглик маълумотлар

КАБРНИ ОЧИШДАН КЎЗЛАНГАН МАКСАД

Ўша даврда буюк саркарда кабри каерда жойлашгани ва умуман Амир Темур Ўзбекистонда дафн этилганлиги хақидаги гапларга Совет рахбарияти шубха билан қарарди. 1941 йил 21 март куни Сталинга Марказий комитет ва Маданият министрлиги томонидан Гўри Амир макбарасида археологик казишма ишларини олиб бориш хақида хат етиб келди. Экспедициянинг максади — Амир Темур кабрини аниқлаш ва Ўрта асрларда яшаб, фаолият юритган Темурийлар сулоласини илмий асосда текшириб ўрганиш деб кўрсатилганди.

Тегишли хужжатлар тайёрлангандан сўнг Сталиннинг буйруғига кўра ишчи гуруҳ тузилди. Унга бошлик қилиб олим ва жамоат арбоби Кори Ниёзов тайинланди, Гуруҳга тилшунос олим А.Семёнов, антрополог олим М.Герасимов, таникли ёзувчи С.Айнийлар киритилди (ўша пайтлар Амир Темур хақида асар ёзиш С.Айнийнинг орзуси эди). Малик Каюмов эса иш жараёнини тасвирга олувчи бош оператор этиб тайинланди. 1941 йил 15 май куни экспедиция бошланиши белгиланган кундан 5 кун олдин, ишчи гуруҳи Самаркандга етиб келди ва тайергарлик ишлари кўриб қўйилди. Гўри Амир мажмуасидаги кабрларнинг очилиши хақида хабар топган маҳаллий аҳоли норозилик билдириб, йигилишиб кела бошлашди. Биринчи кунданок минглаб одамлар келишди. Йигилганларнинг баъзиларини эса бу олимлар нималар қилмоқчи эканлигини билиш қизиқтирар эди.

ИШНИНГ БОШЛАНИШИ

1941 йил 2 июн биринчи иш куни деб белгиланди. Хар эхтимолга карши махаллий усталар хам чакириб кўйилди. Шу куни эрталаб соат 8:00 да мажмуадаги кабрлардан бирининг устидаги тошни кўтаришди. Бу кабрни ўрганиш учун уч кун сарфланди. Негадир ундаги суяк колдиклари яхши сакланиб колмаган эди. Герасимов факат бош чаноги ва умуртка суякларини олиб, уларни бир кутига солди. Бу кабр Амир Темурнинг суюкли фарзанди Шохрух Мирзога тегишли эди.

ИККИНЧИ КАБРНИНГ ОЧИЛИШИ

Навбатдаги — иккинчи кабр устига кўйилгандош огирлиги туфайли уни кўтариш учун махаллий ахоли хам ёрдамга чакирилди. Усталар занжирларни ричаглар билан тортиб, кабр устидаги тошни кўтариб олишди. Бу кабр ичидаги кишининг бош суяги тана суякларининг ёнида турарди. Бош чаногида ўткир тигдан колган излар хам бор эди. Гурух аъзоларида Темурнинг севимли набираси Мирзо Улугбекнинг кабри очилганлигига шубха колмаганди. Улугбек кабри билан икки хафта шугулланишди. Суяклар, кийим колдиклари хам сакланиб колган эди.

ЭНГ КИЙИН ИШ КУНИ

Навбат Амир Темур кабрига етиб келганини кўпчилик сезаётган эди. Олимларнинг эътибори биринчи бўлиб кабр устидаги тошга ўйиб ёзилган ёзувларга тушди. Унда "Ваки келиб хаммамиз бу дунёни тарк этамиз. Бизгача хам буюклар бўлган ва бундан кейин хам бўлади. Агарда кимда-ким бу нарсани тан олмаса, кабрни кўзгаб ёки ўтганлар руhini безовта килса, энг дахшатли балoга йўликсин" деган мазмун акс этарди. Ёзувнинг охирги сўзлари экспедиция аъзоларини сергаклантириб, кўркувга солди. Ишни тўхтатмокчи хам бўлишди. Аммо "юкорининг буйруги" бўйича килинаётган ишни хеч бир кўркув тўхтата олмасди.

21 июн куни эрталаб соат 7:00да ишчи гурух аъзолари йигилишди. Лекин иш хадёганда юришаверма-ди. Иш бошланганидан ярим соат ўтар-ўтмас кўтариш крани бузилиб колди. Кабр устида ёткизилган плитани: секин-аста кўлда сура бошлашди. Унинг тагида тупрокдан бошка хеч нарса кўринмасди. Куннинг ярмига келганда плитани очишга муваффақ бўлишди. Олимлар кўллари билан ерни ковлай бошлашди. Соат 13:00 гача

учта мрамор плитани олиб ташлашга улгуришди. Нихоят, тобутнинг кора копкоги кўринди. Кутилмаганда барча ёритиш ускуналари ўчиб қолди. Хар хил овозлар эшитилиб, нафас олиш кийинлаша бошлади. Танаффуc эълон қилинди.

БАШОРАТЧИ ЧОЛЛАР ВА АРАБ ЁЗУВИДАГИ КИТОБ

Танаффуc пайтида Малик Каюмов чой ичмокчи бўлиб ховлига чиқди. Унинг кўзи кўлларида бир китобни ушлаб ўтирган учта чолга тушди. Малик Каюмов отахонлар билан салом-алик қилар экан, чоллар ундан:

"Ўғлим, сенинг ҳам казишма ишларига алоқанг борми?" — деб сўрашди.

Оператор хазиллашиб:

"Мен асосий одамман, менсиз булар ишлай олишмайди", — деб жавоб берди.

Чоллар эса:

"Темурнинг кабрини очиш мумкин эмас, уруш бошланади", — деб айтишди.

Малик Каюмов:

"Буни сизлар қаердан биласизлар?" — деб сўраганида, унинг кўлига қариялар араб ёзувидаги катта бир китобни тутқазишди. Араб ёзувини ўқий оладиган оператор диққат билан саҳифада-ги жумлаларни ўқий бошлади, унда:

"Буюк лашкарбоши кабрини кўзгаш мумкин эмас. Акс ҳолда уруш бошланади", — дейилганди.

Малик Каюмов тезда Кори Ниёзов, С.Айний ва А.Семёновларни чақириб келди. Улар ҳам кексалар билан саломлашиб, китобни ўқишга киришиб кетишди. С. Айний чолларни қойиб, уларни хассаси билан ҳайдай бошлади. Отахонлар ортига қайтишди.

Малик Каюмов ўйчан ҳолда анчагача чолларнинг орқасидан кузатиб қолди. Қариялар муюлишга етар-етмас ўз-ўзидан гойиб бўлиб қолишди. Оператор кўзларига ишонмади ва тезда ўзига қелиб, уларнинг кетидан югурди. Аммо чолларни топа олмади. Маҳаллий аҳолидан суриштирганида ҳам ҳеч ким у чолларни кўрмаганлигини ва факат улар ҳақида турли гап-сўзлар эшитишганини айтишди. Балки бу отахонлар инсониятни олдинда турган фожиадан огохлантириш учун одам қиёфасида келган фаришталармикин?..

КАБРДАН ХУШБЎЙ ХИД ТАРАЛДИ

Соат 15:30 да иш жараёни яна ёруғлик билан таъминланди. Антрополог олим Герасимов тобут устидаги охирги тахталарни олаётганида қандайдир тасвирлаб бўлмас хушбўй хид атрофга тарал-ди. Кабр ичида бир бақувват баҳодир одам ётганлиги сезилиб турарди. Герасимов Темур бош қаногини қўлида тутиб, атрофдагиларга кўрсата бошлади. Буюк лашкарбошининг ўнг оёғидан яраланганлиги излари унинг суяк-ларида ҳам сақланиб қолган эди. Темур кабрининг очилганлигига барчанинг ишончи қомил бўлди. Айний эса

хурсандлигидан: "Айтганим тўғри чикди, Темурнинг кабри Самаркандда экан", дея кичкирарди. Ўша куниёк турли газета ва радиоканалларда "совет олимларининг Темур.кабрини топишганлиги" тўғрисида хабарлар таркалди.

МАШЪУМ ХАБАР ЁКИ... КАРГИШ ТЕГДИМИ?

22 июн тонгида уруш бошланганлиги тўғрисидаги хабар радио оркали эълон килинди. Гитлерчилар совет ўлкасига уруш эълон килган эди. Экспедиция гуруҳи бу машъум хабарни эшитиб, ўзлари-ни йўқотиб қўйишди. Башоратчи чолларни қувиб солган С.Айний эса бир бурчакда мунгайиб, ўтириб қолди. Экспедиция ишини тўхтатишиб, Тошкентга қайтишди. М.Герасимов Темур бош чаногини ўрганиб, унинг юз тузилишини ишлаш учун суяк қолдикларини олиб Москвага йўл олди.

ТАН ОЛИНГАН АФСОНА ЁКИ...

"Амир Темур суяк қолдиклари солинган кути Москва осмонида, фронт устида айлантеририб, ўз жойига қўйилгандан сўнг уруш оловлари сўна бошлади". Нафакат халқ оғзидан, балки мутахассис олимлар томонидан айтилаётган бу фикрлар афсона ёки ҳақиқатлиги борасида хали-хануз аниқ бир тўхтамга келингани йўқ. Рус православ черкови ҳам юқорида қайд этилган кути айлантеририлган чегарадан душман аскар-лари умуман ўта олмаган, дея тахминий мушоҳада юритишади. Анча сирли ва ҳар хил гап-сўзлар-га сабаб бўлган Темур кабрини ўрганиш бўйича ишлар якунига етгач, ҳисобот тайёрланди. Унинг бир нусхаси "марказ"га жўнатишган бўлса, яна бири Амир Темур кабрини ёпишаётганда тобутига қўшиб солинди. Бу ҳисобот тўрт тилда — ўзбек, рус, форс ва инглиз тилларида Самарканд коғозига хитой сиёҳида ёзилган, дея кўрсатма беради олимлар. Икки кундан кейин Сталинград остоналарида галаба қозонилганлиги тўғрисида хушхабарлар етиб келди...

ЎТГАНЛАРНИНГ РУХЛАРИНИ БОШКА БЕЗОВТА КИЛИШМАДИ

Бу воқеалардан сўнг Сталин умрининг охиригача Темур кабрини безовта қилмади. Темурийлар тарихи бўйича Эрмитаж музейида ўтказилиши кўзда тутилган кўргазма ҳам амалга ошмади. Темур ҳақида қитоб ёзишни ният қилган С.Айний ҳам бу борада ҳеч нарса ёза олмади. Қўлга қиритилаётган галабалардан қувонган "Ўрток Сталин" 1943 йил

ёзида Самарканддаги Темур макбарасига эътиборини каратиб, унга 3-экспедицияни жўнатди. Макбара ва унда жойлашган кабрларни таъмирлаш учун 1000 000 рубл (ўша пайтда бу пулга тахминан 500 га якин сўнгги русумдаги машина олиш мумкин эди) маблаг ажратганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Р. ХИДИРОВ